

ФАРГОНА ВИЛОЯТИДА ЭКОТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Абдуганиев Олимжон Исомиддинович

Фарғона давлат университети география кафедраси доценти, г.ф.н.

Каримқурова Дилафруз Бахромжон Қизи

Фарғона давлат университети география кафедраси магистри

Аннотация: Ушбу мақолада табиий шароитни рекреация ва туризм мақсадида баҳолаш ҳамда Фарғона вилоятида экотуризимни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилган. Шунингдек, Фарғона вилояти ҳудудида бўйлаб ўтказиладиган асосий туристик маршрутлар ва йўналишлари тахлил қилинганд.

Калит сўзлар: Экотуризим, репрезентатив, барқарор ривожланиш, табиий шароит, рекреацион ва туристик салоҳият, баҳолаш, рекреацион ва туристик зона.

КИРИШ

Жаҳонда рекреацион-туристик фаолият иқтисодий ривожланиш ва янги иш ўринлари яратишда етакчи ва жадал ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Бутунжаҳон туристик ташкилоти (UNWTO) ва Бутунжаҳон саёҳат ва туризм кенгаши (WCTT) маълумотларига кўра, 2025 йилга бориб туризм соҳасидаги иш ўринлари сони 350 млн.га етади. Бу 2015 йилга нисбатан 70 млн.га кўп ҳисобланади⁵². Рекреация ва туризм соҳасини ривожлантириш орқали ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини кўтариш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса минтақаларнинг табиий, тарихий, иқтисодий ва ижтимоий имкониятларидан рекреация ва туризм мақсадида фойдаланишнинг географик асосларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларни тақазо этади.

Республикада рекреация ва туризм соҳасига ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида қаралиб, уни ривожлантириш бўйича комплекс чоратадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси 35-мақсадида «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг» дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш⁵³ юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини 2019 - 2025 йилларда ривожлантириш Концепцияси қулай иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш

⁵²Бутунжанон саёҳат ва туризм кенгаши (WCTT) маълумоти. <https://wttc.org/Research/EconomicImpact>

⁵³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони.

бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва улушкини ошириш, хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилган [1]. Бундан ташқари, ижтимоий, маданий-ривожлантирувчи, экологик, этномаданий ҳамда қишлоқ туризми дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси ҳам белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг ландшафтлари ҳам бой маданий ва тарихий мероснинг интеграл қисмидир. Ушбу мероснинг репрезентатив объектлари ва компонентлари албатта сақланиши зарур. Бу борадаги истиқболли йўналишлардан бири туризм ҳисобланади [2, 3]. Ўзбекистон Республикаси, жумладан Фарғона вилояти экотуризмни ривожлантириш имкониятига эга бўлган гўзал ва тақорланмас табиати, бетакрор табиат манзаралари ва ноёб табиий ёдгорликлари билан машҳурдир. Фарғона вилоятининг Сўх, Фарғона ва Бешариқ туманлари, Шоҳимардон ва Марказий Фарғона ҳам ана шундай бой табиий-иклим салоҳияти билан ажralиб туради [4]. Шунинг учун вилоятнинг ўзига хос табиатини инобатга олган ҳолда экотуризмни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ва кўплаб бу соҳада амалга оширилаётган ишлар жаҳон сайёҳларининг эътиборини жалб қилмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Туризмнинг географик жиҳатлари Д.Пирс, Н.С.Фалькович, Е.А.Котляров, А.Н.Дегтярев, М.Шнайдер, А.Н.Булгакова, М.А.Ананьев, В.В.Свешников, С.Р.Ердавлетов, А.Г.Низамиев, О.Б.Мазбаев каби олимлар томонидан атрофлича тадқиқ қилинган. Мазкур тадқиқотчилар томонидан туризмни ташкил этиш ва ривожлантириш, жойнинг сайёҳлик имконияти ва табиий ресурс потенциалини баҳолаш, туристик шароитининг ҳудудийлик хусусиятларини баҳолаш ва истиқболини белгилаш зарурлиги исботлаган.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга оид фикрлар Н.Тухлиев, Т.Абдуллаева, И.Ҳасанов, А.Н.Нигматов, Н.Т.Шамуратова, О.Х.Ҳамидов, М.Т.Алиева, Ш.Якубжонова, Э.Махкамов каби олимларнинг ишларида ўз аксини топган. Бу тадқиқотларда туризм ва унинг табиий географик жиҳатларининг илмий асосларини такомиллаштириш учун муайян имкониятларни беради. Тадқиқотчилар туризм ҳудудий ва даврий хусусият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтган. Чунки табиий шароит ижтимоий муҳитни, у эса, ўз навбатида, қишлоқ ҳўжалигини юритиш тарихи, ҳозирги ҳолати ва туристик имкониятларини турлича бўлишига хизмат қиласди.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМАЛАР. Экотуризмнинг мақсади–ҳозирги ва келажак авлодлар учун табиатдан туристик йўналишда фойдаланиш орқали экологик хавфсизликни ва барқарорликни таъминлаш ва муайян ҳудудлардаги ландшатларни сақлаб қолиш ҳамда уларни қайта тиклаш йўлларини ўрганишдан иборат. Чунки муҳофазага олинган ҳудудлар нафақат ўzlари жойлашган ландшафтларнинг ноёб

хусусиятларини сақлаб қолиш ва тиклаш, балки ўзга ҳудудларнинг экологик барқарорлигини таъминлашда ҳам катта аҳамиятга эга.

Экспертларнинг фикрига кўра, экотуристлар кўпинча ўрта ёки юқори сармояга эга бўлган, хар томонлама таъминлаган саёҳатчилардан иборат экан. Ушбу туризм тури жуда чекланган ва қиммат бўлгани учун ҳам тушган даромадлар бошқа туризмдан кўра самаралироқдир. Масалан, Канадада табиий туризмининг умумий ҳажми ички туризмдан тушган даромаднинг 25% ташкил этар экан. Экотуристик солиқнинг ўзи йилига 1,7 млрд. АҚШ доллар миқдорида ҳазна тушумига олиб келади. Бу эса экологик тадбирлар учун давлат томонидан ажратилаётган маблағдан 5 баробар кўп демакдир. БМТ ва БТТ ташкилотларининг маълумотларига кўра сўнги ики ўн йилликда ривожланаётган мамлакатларда туристлар сони асосан табиий ёки экотуризм ҳисобига амалга ошмоқда. Масалан, Кения 1,4 млн., Эквадор 1,2 млн., Коста-Рика 1,2 млн., Непал 1,6 млн. АҚШ доллар миқдорида соф даромад олмоқда. Бу эса ушбу мамлакатларнинг миллий ички ялпи маҳсулотининг аксарият қисмини ташкил этади. Хуллас, миллий экотуризмни ривожлантириш ўта долзарб масалалардан бири бўлиб, у давлатимизни барқарор ривожланишини таъминлаб берувчи йўлларидан биридир [2, 5].

Экологик туризм (экотуризм, яшил туризм) - шахсларнинг дам олиш, спорт билан шуғулланиш, соғломлашиш, маърифий-маънавий(умумтарбиявий) ишларни амалга ошириш ёки бошқа мақсадларни кўзлаган ҳолда атроф табиатга ёки муайян табиий обектларга экологик мақсадлардаги саёҳатлари ҳисобланади. Экотуризмнинг мақсади -экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида туристик йўналишларда табиатдан оқилона фойдаланиш, уни қайта тиклаш ва муҳофаза қилишдир. Экотуризимни ташкил этиш уч босқичда амалга оширилади.

1-bosқич. Республика мизда тез ўсаётган ва ёшлар салмоғи юқори бўлган аҳолининг рекреацион талабини қондиришга эришиш давлат аҳамиятига молик бўлган ишлардан биридир. Ўзбекистон Республикасининг геомажмуалари ҳам бой маданий ва тарихий мероснинг интеграл қисми ҳисобланади. Ушбу мероснинг репрезентатив обьектлари ва компонентларидан оқилона фойдаланишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, Фарғона водийсида қишлоқ хўжалиги ривожланган районларда аҳолининг бандлигини кўтариш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бундай муаммоларни ҳал қилишнинг йўлларидан бири қишлоқ жойлардан рекреацион ва туризм мақсадида фойдаланишини йўлга қўйишдир. Шунинг учун, Фарғона вилояти қишлоқ жойларидағи табиий географик обьектлар ва ҳудудлар туризмни ривожлантириш мақсадида ўрганилади, аҳоланади ҳамда таснифланади. Олинган натижаларни умумлаштирилиб, ҳар бир маъмурий туман учун турстик обьектларнинг таснифи таёйрланади ҳамда картага туширилади. Буологик ва ландшафт хилма-хиллик кўрсаткичи юқори бўлган ҳудудларга ҳам экотуристик обьект сифатида алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, Фарғона водийсида 10 дан ортиқ биомарказларни ажратиб кўрсатиш мумкин [6, 7].

Биринчи босқич маълумотларини умумлаштирган ҳолда Фарғона вилояти қишлоқ жойларининг 1:200 000 масштабдаги картаси Географик ахборот тизимлари (ГАТ-ГИС) технологиясининг MapInfo, ArcGIS ва Coreldraw дастурларидан фойдаланган ҳолда электрон версияда тайёрланади. Карта легендасида амалиётда фойдаланиш учун турстик обектлар, ландшафтларни ўзгарганлик холати, аҳоли пунктлари туманлар доирасида берилади. Фарғона вилоятидаги чўл, адир ва тоғ минтақаларида туристик обьектларнинг қичқача таснифи тайёрланади.

2-босқич. Фарғона вилояти туманларининг туристик имконияти ва аҳолини тустик эҳтиёнини аниқлаш бўйича баҳолаш ишлари амалга оширилади. Иқтисодиётдаги талаб ва таклиф муносабати туризмни ташкил этишда хам муҳим аҳамиятга эгадир. Ахолининг катта қисми шахар агломерациялари ичida жойлашганлигини ҳамда аҳоли пунктларидан 5-10 км.ли радиусдаги дам олиш масканларида туристик ва рекреацион эҳтиёжларининг юқорилигини ҳисобга олиш зарур. Туристик фаолиятни ташкил этиш учун аввало ҳудудларни мажмуали ўрганиш, уларга бахо беришнинг асосий тамоилларини ишлаб чиқиш зарур. Рекреацион ҳудудларни баҳолашнинг асосий тамоилларидан бири уларга сафранадиган маблағни яъни молиявий харажатларни ҳисобга олишdir. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида туризмни ташкил этиш ва аҳолини дам олиши ҳамда саломатликларини тиклашлари учун хам молиявий харажатлар талаб этилади. Демак, туризм шундай ташкил этилиши керакки, биринчидан, у ахолига табиат ва жамият муносабатларида экологик мувозанатини сақлаб туриш асосий восита эканлигини тушинтира олиши, иккинчидан, кишиларнинг экология соҳасидаги билимларини кенгайтириши ҳамда экологик таълим-тарбия беришга қодир бўлсин, учунчидан, аҳоли томонидан туризм учун сафранадиган маблағ яъни молиявий харажатлар ҳам мутоносиб бўлиши керак [8, 9].

3-босқич. Фарғона вилояти ҳудудида туристик маршрутлар ишлаб чиқилади ва йўналишлар белгиланади. Экотуристик маршрутларни янада мазмунли ташкил қилиш учун уларни мажмуали усуlda ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун, Маршрутларнинг зичлиги ва давомийлиги туманларнинг туристик имконияти ва сифими асосида ташкил этилади. Олинган натижалар асосида туманларнинг туристик имкониятлари ва туристик йўналишларни акс эттирилган карталари таёйланади. Тадқиқот натижалари ва туристик карталардан Ўзбекистон Республикаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги муассасалари, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастири давлат қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси бўлинмалари, Фарғона вилоятидаги туризм фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларга фойдаланиш учун тақдим этилади.

Фарғона вилояти табиий шароити жиҳатидан экологик туризмнинг барча кўринишларини ташкил қилиш учун қулай ҳисобланади. Чунки, бу ҳудудда инсон томонидан кучли ўзгарилилган ҳудудлар билан бир қаторда, табиий холдаги нояб яратмаларни кўриш мумкин. Туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, йўналишларни

белгилаш ва аҳолини жалб этиш фаолият кўрсатаётган туристик фирмалар билан боғлиқ. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида туризм фаолияти билан шуғулланувчи 865 та ташкилот мавжуд бўлиб, бундан 15 таси Фарғона вилоятида жойлашган. Бу ташкилотларнинг олиб бораётган фаолияти нафақат маҳаллий, балки халқаро туристларни ҳам жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

ХУЛОСА. Дунё тобора ўзаро боғланиб, саёҳат ва туризм саноатига эътибор қаратила боргани сари ушбу соҳани ривожлантириш учун инновацион моделларини ишлаб чиқишига аҳамият берилмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг бу соҳадаги энг яхши амалиётларни жорий қилиниши туризм соҳасида энг мақбул қарорлар қабул қилишни давом эттириш имкониятини беради. Мамлакатларни, айниқса бозор иқтисодиётiga ўтиб бораётган маъмурий-ҳудудий бўлималарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий воситаларидан бири туризм соҳасини индустря даржасига олиб чиқишидир.

Туризмнинг ривожланиши ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларига, туристик обьектларнинг мавжудлиги, табиий шароити ва ресурсларига ҳамда географик ўрнига боғлиқ. Геокомплексларнинг туристик имкониятларини, яъни туризм учун яроқли, қулай ёки ноқулайлик даражасини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, ҳар бир туристик обьектнинг рельефи, об-ҳаво шароити, атмосфера ёғинлари, шамол режими, ер ости ва ер усти сувлари, тупроқ хусусиятлари, ўсимлик қоплами ва ҳайвонот дунёсининг туризмни ривожлантиришдаги имкониятларини баҳолаш мақсадга мувоғик.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон Фармонига 1-илова).
2. Александрова А.Ю. Международный туризм: Учебник. –М.: Аспект Пресс, 2002.
3. Арманд Д.Л. Наука о ландшафте: основы теории и логико-математические методы. – М.: Мысль, 1975. – 288 с.
4. Ахмадалиев Ю.И., Абдуганиев О.И., Махкамов Э.Г. Охраняемые природные территории как объект рекреации и туризма//Материалы I международной научно-практической конференции «Тенденции и перспективы развития туризма в Казахстане и Центральной Азии», Алматы, 14-15 марта 2019 г. 284-287 бет
5. Abduganiev O. I., Makhamov E. G. ECOLOGICAL TOURISM IN PROTECTED NATURAL AREAS //Journal of Geography and Natural Resources. – 2022. – Т. 2. – №. 02. – С. 25-32.

6. Абдуганиев О. И., Махкамов Э. Г. Географические особенности организации туристско-рекреационной деятельности в охраняемых природных территорий //Экономика и социум. – 2019. – №. 9. – С. 383-390.
7. Isomiddinovich, A. O. ., Mahkamov, E. ., & Bahrom, N. . (2022). Geographic Aspects of Organizing Tourism in Protected Natural Areas. *Miasto Przyszłości*, 27, 82–85. Retrieved from <http://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/500>
8. Isomiddinovich A. O. et al. Tourism Potential of Protected Natural Areas and Problems of Its Use //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – Т. 9. – С. 162-166.
9. Isomiddinovich A. O., kizi Shermatova Z. K., kizi Jarkinova M. I. GEOGRAPHICAL REPRESENTATIVENESS OF PROTECTED NATURAL TERRITORIES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. – 2021.
10. Камолов Б.Х. Наманган вилоятида экотуризмнинг ҳудудийлик, даврийлик ва комплекслик хусусиятлари. Геог. фан. бўй. фалсафа док. ...диссертацияси. – Т., 2018.
11. Mahkamov E. GEOGRAPHICAL DISTRIBUTION OF MEDICAL PLANTS OF THE FERGANA VALLEY //RECREATION POSSIBILITIES AND GEOECOLOGICAL ASPECTS OF THEIR PROTECTION: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1>. – 2021. – Т. 1414.
12. Makhkamov E. G., Umurzakova G. A., Gopporova F. B. PROSPECTS OF ECOTOURISM DEVELOPMENT IN FERGANA PROVINCE //Journal of Geography and Natural Resources. – 2022. – Т. 2. – №. 02. – С. 33-39.
13. Махкамов Э. Г. Рекреация ва туризмни ташкил этишда табиий шароитни баҳолашнинг назарий жиҳатлари //ГЕОГРАФИЯ: ПРИРОДА И ОБЩЕСТВО. – 2020. – Т. 1. – №. 4.
14. Isomiddinovich, A. O., Maxmanazarovich, A. D., & Dilmurodovna, K. T. (2022). PROBLEMY AND PERSPECTIVE ECOLOGIZATION SELSKOGO HOZYAYSTVA NA OSNOVE ECOLOGO-HOZYAYSTVENNAYA OTSENKA TERRITORII. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 1(12), 568-575.
15. Абдуракмонов, Д. М. (2022). ФАРФОНА ВИЛОЯТИДА ГИДРОГЕОЛОГИК ШАРОИТИНИ ЁМОНЛАШУВИ ВА УНИ ОҚИБАТЛАРИ. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 1(12), 563-567.
16. Абдурахмонов, Д. М. (2019). ФУНКЦИОНИРОВАНИЕ И ДИНАМИКА ПАРАГЕНЕТИЧЕСКИХ ЛАНДШАФТОВ. Экономика и социум, (12), 154-157.
17. Абдураҳмонов, Д. (2022). ФАРФОНА ВОДИЙСИНИ РЕГИОНАЛ-ЛАНДШАФТ ТАДҚИҚОТЛАРИ. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 1(11), 314-317.
18. Абдурахмонов, Д. (2022). ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ. IJODKOR O'QITUVCHI, 2(21), 58-63.